

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ  
ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА  
ТАҲЛИЛИ**

*Ички Ишлар Вазирлиги Академияси  
3-ўқув курси 311 - гурух қурсанти  
Ж.Б. Бозоров*

**МАҚОЛА**

Сир эмаски, жаҳоннинг ҳар бир мамлакатида юрт тинчлигини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш каби чора тадбирларни амалга ошириш масалалари давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўз олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир. Турли давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни юритиш фаолияти турли йўллар, усувлар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятига татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб талабларидан биридир. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қиласди. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун қуидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз<sup>1</sup>.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари бошқа мамлакатларнидан муайян хусусиятлари билан ажralиб туради.

Юртимизда 2018 йил “Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологиларни қўллаб қувватлаш” йили деб эълон қилингани ҳам, ҳозирги замонга мос равища ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини ривожланишини тақозо этади. Бу борада “Электрон ҳукумат” ғоялари яъни иш юритишда электрон ҳужжат айланишини кўрсатади. Жумладан электрон ҳукумат ғояларини ҳаётга олиб киришда турли мамлакатларда турлича ёндашувлар мавжуд<sup>2</sup>. Шулардан келиб

<sup>1</sup> [Http://Www.Agroinspeksiya.Uz/Uz/News/Mamuriy-Huquqbuzarlik-Togrisidagi-Ishni-Korib-Chiqish-Tartibi-Qanday](http://Www.Agroinspeksiya.Uz/Uz/News/Mamuriy-Huquqbuzarlik-Togrisidagi-Ishni-Korib-Chiqish-Tartibi-Qanday)  
<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Маъмурий Ҳуқуқбузарликлар Тўғрисидаги Ишларни Юритишнинг Электрон Тизимини Жорий Этиш Бўйича Кўшимча Чора-Тадбирлар Ҳакида 08.07.2021 йилдаги 431-сон Қарори

чиқиб, эксперталар “электрон ҳукумат” қуришнинг учта асосий моделини ажратиб қўрсатишади:

- Континентал- Европа модели;
- Инглиз-Америка модели;
- Осиё модели;

Континентал Европа кирадиган давлатлардан масалан Германияда аҳолига интернет орқали хизмат қўрсатиш расмий давлат стратегияси тўрт босқичли ислоҳотларнинг тўрт тамойилига асосланган:

- Янгича тақсимот. Бу қонунларнинг самарадорлиги ва ижро этилиши ўсишига замин ҳозирлайди;
- Фуқороларда федерал ҳукумат-ҳамкор тимсолини шакллантириш;
- Давлат хизматларини кенг қўламда ривожлантириш. Ҳукумат органларини ўз вазифаларини янада яхшироқ уддалаши, маблағлардан самаралироқ фойдаланишини ҳамда уларнинг фаолиятида янада шаффофликни таъминлайди;
- Самарали раҳбарлик. Ташкилотга ўз ишидан манфаат ҳис қилувчи ходимларни ёллаш ва иш билан таъминлашни кўзда тутади.

Инглиз-Америка моделида асосон Буюк Британия, АҚШ ва Канада каби мамлактларга хос бу моделда бир томондан худудларнинг бирмунча еркинлиги кўзда тутилса, иккинчи томондан кучли марказий бошқарув акс этиб туради. Канада давлатида уч даражадаги полиция тузилмалари мавжуд. Булар муниципиал (Маҳаллий), провинциал ва федерал полициялардир. Кўпгина шаҳарлар ўз полициясига эга. Канада полицияси электрон ҳукуматдан фойдаланиш тизимига 2000 йилга келиб тўлиқ ўтиб бўлганди. Кўп сонли тадқиқотлар шуни қўрсатадики, мазкур тизимни амалиётга жорий қилиш вақтни тежашга ҳамда харажатларни қисқартиришга ёрдам беради. Мисол учун, Янги Зеландияда электрон мультимедиа тизимини жорий этиш орқали полицияда хужжатлар расмийлаштирилиши вақтини ўртacha 10 кундан 12 минутгача қисқартиришга эришилди.

Осиё моделидаги давлатларда шарқликларга хос корпоратив маданият ва шажаравий тамойилга асосланган қўп қатламли давлат бошқаруви тизими устун.

Жумладан, Жанубий Кореяда фуқоролар айни пайтда икки мингдан ортиқ электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланишяпти. Ҳар қадамда ўрнатилган терминаллар орқали исталган турдаги маълумотни олиш ёки уйдан чиқмасдан харид ёхуд тўловни амалга ошириш бугун улар учун оддий аҳволга айланган. Давлат идоралари қоғозлардан воз кечиб, тўлиқ электрон ҳужжат айланишига ўтганига эса бир неча йил бўлди. Жанубий Кореяда энг муҳим хужжатлар қоғозга туширилади. Айнан электрон ҳукумат тизимининг жорий этилиши сўнги икки йилда давлат бюджетидан бир миллиард долларни иқтисод қилиш, давлат

идораларида ишловчилар сонини салкам 9 мингтагача қисқартириш имконини берди. Умумий ижтимоий-иқтисодий самарадорлик эса 16 млрд АҚШ долларига баҳоланяпти. Умуман олганда, мана бир неча йилдирки, Корея Республикасининг “электрон ҳукумат”<sup>3</sup> тизими дунёда энг етакчи сифатида қайд этилмоқда. Мазкур рейтингда Осиёча моделни фаол ва муваффақиятли қўллаётган Сингапур ҳамда Япония ҳам етакчи ўнликка кирганини алоҳида такидлаш жоиз.

Австралия мамлакатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан полициячилар, шерифлар ва суд ижрочилари ҳозирги кунда шуғулланишмоқда. Полициянинг фаолият йўналиши жиноят қонунчилиги, Шерифлар ва суд ижрочиларининг вазифаси эса фуқоровий қонунчилик бўйича суд қарорларини ижросини таъминлашдан иборат. Мамлакат полицияси ўзининг миқиёсига кўра: икки босқичга бўлинади. Булар Австралия федерал полицияси ва Штат полициясидир. Штат полицияси штат ҳудудларида шу жумладан шаҳарларда қонунийликка риоя этилишига жавоб беради. Австралия Федерал полициясининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- ҳудудларда ҳуқуқ тартиботни таъминлаш;
- ҳукумат идораларини қўриқлаш;
- тинчликпарварлик фаолияти;
- маросимлар ва протокллар билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

Мамлакат пойтахтида жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини муҳофаза қилиш, жиноятлрни бартараф этиш ва тергов қилиш, кириминал разветка, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Австралия Федерал полиция назорати остида бўлади. Аерапортда ҳам Федерал полиция жамоат тартибини сақлаш учун жавоб беради.

Испания полиция тизими фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган иккита идора мавжуд. Булар Миллий полиция - асосан шаҳарларда фаолият кўрсатувчи фуқоролик кучлари ҳамда Фуқоролик гвардияси – ҳарбийлаштирилган полиция бўлинмаларидир. Ҳар иккала идора ҳам Ички ишлар органларига бўйсунади. Уларга бош директорат раҳбарлик қиласи. Босклар мамлакати, Каталония Наварра каби автаном вилоятлар ўзларининг полиция кучларига эга. Ушбу тузилмалар маҳаллий ҳукуматларга бўйсунниб фақат тегишли маъмурий ҳудудлар доирасида иш кўришади. Испаниядаги аксар муниципал тузилмалар ўзларининг маҳаллий полиция отрядларига эга. Уларнинг асосий вазифаси йўлларда назоратни ташкил этиш, майда жиноятларни тергов қилиш ва кичик миқиёсдаги омавий тартибсизликлар чоғида жамоат тартибини сақлашдан иборат.

Хорижий давлатлар полициясида иш юритишни ўрганишда асосан Европа

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Электрон Ҳукумат Тўғрисида 09.12.2015 йилдаги ЎРҚ-395-сон Қонуни

ва АҚШ давлатлари тажрибалари, уларнинг бу соҳада эришган ютуқларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Негаки мазкур давлатларда қўлланилаётган полиция протседуралари ўзини самарадорлиги жиҳатдан кўрсата олган ва вақт синовидан ўтган бу эса ривожланаётган мамлакатларга хориж давлатларининг макзур соҳадаги тажрибасини ўрганиш ва уларни айримларини мамлакат миллий қонунчилигига татбиқ этишга имкон яратади. Албатта хориж давлатларининг тажрибалари ва бу соҳадаги тартиботларини кўр-кўrona ўзлашитиш ярамайди. Уларни пухта ўрганиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатига қараб жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.